

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВА ГУЛЗИРАХОН АҲМАДБЕК ҚИЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ  
ШАКЛЛАНИШИНИНГ МИЛЛИЙ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**09.00.04. – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации(PhD)**

**Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract**

**Каримова Гулзираҳон Аҳмадбек қизи**

Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг миллий-ахлоқий  
жиҳатлари.....3

**Каримова Гульзираҳон Ахмадбек кизи**

Национально-нравственные аспекты формирования информационного  
общества в Узбекистане.....16

**Karimova Gulzirakhon Ahmadbek kizi**

National-moral aspects of development of information society in  
Uzbekistan.....29

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....33**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Fal214рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саифназаров Исмоил Саифназарович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Норкулов Дўстмурод Тошпўлатович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Назаров Насриддин Атакулович**  
фалсафа фанлари доктори(DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_ соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.Тел.: (+99871) 246-12-24; факс:(+99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ маъмурий биноси, 2 қават, 4-хона. Тел.: (+99871)236-46-55).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_- рақамли реестр баённомаси).

**Н.А.Шермухамедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, фалсафа фанлари доктори,  
профессор

**У.Маҳкамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, фалсафа доктори (PhD)

**Г.Маҳмудова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатларнинг ахборотни саралаш ва ундан фойдаланишда миллий манфаатларни ҳимоялашга талаб кучайди. Сиёсий ҳамжамиятнинг “Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга ҳукмронлик қилади”, деган бош ғояси асосида дунёни бўлиб олиш мақсадида ахборот макони учун кураш бормоқда. Унда ёшларнинг ижтимоий онгини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдид, ахборот хуружлари авж олмоқда. Шу сабабли дунё ҳамжамиятининг кибермакондаги хуружларга қарши юксак ахлоқийликни тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг бир қатор мамлакатлари илмий тадқиқот институтлари ва марказларида ЮНЕСКОнинг “Ахборот ҳамма учун”, “Таълим ҳамма учун”, “Дунё маданияти” дастур<sup>1</sup>ларини кенг жорий этиш, ахборотлашган жамиятни ривожлантириш стратегияси, ахборотлашган жамиятнинг билим эгаллаш усули ва унинг ахлоқий тарбияга таъсирининг таҳлилига бағишланган салмоқли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айни мавзуга қизиқиш, энг аввало, оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида тарқалаётган ахборот ва маълумотларни саралаш ва улардан фойдаланиш малакаларини шакллантиришни талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ахборотлашган жамиятда миллий-ахлоқий тарбияни илмий асослаш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимояси, маърифатчилик даражасини оширишда ахборот тизими ислохотларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти, инновацион технологияларни жорий қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бугунги иқтисодий-маънавий вазиятда ҳар бир мамлакат ўз миллий маданиятига таяниб жамиятнинг маънавий қиёфасини белгиламоқда. Ўзбекистонда қатор Шарқ мамлакатлари каби қарор топадиган жамиятнинг модели жамоавийлик ва ундан келиб чиқадиган миллий ахлоққа асосланади. Шу сабабли ахборотлашган жамият ривожига миллий-ахлоқий масалаларни тадқиқ қилиш долзарб вазифа сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-П-сон Қонуни, 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини

---

<sup>1</sup> Программы ЮНЕСКО «Информация для всех» / <http://www.unesco.org/webworld/ifap>; [www.ifar.ru](http://www.ifar.ru) ; «Образование для всех», «Образование-30» <https://ru.unesco.org/themes/vedushchaya-rol-yunesko-v-realizacii-globalnoy-povestki-dnya-obrazovanie-2030>; «Культура мира» [https://www.belau.info/programms/kultura\\_mira/](https://www.belau.info/programms/kultura_mira/)

ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий–маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XX асрнинг сўнгги йилларида айтилиб бериладиган илмий тадқиқотлар, ахборот технологияларининг ижтимоий-иқтисодий таъсири таҳлили методологияси таърифланди. Ахборот ва ахборотлаштириш жараёнларининг фалсафий-методологик масалалари, жамият ахборотлашуви, ахборотлашган жамият, ахборотлашган жамият шароитида таълим-тарбия, маънавият ва ахлоқ масалаларига доир муаммолар МДХ олимлари И.А.Андреева, А.Б.Антопольский, Т.П.Воронина, Б.М.Герасимов, Е.И.Иванова, В.Н.Костюк, ва хорижий олимлар Д.Белл, Й.Масуда, Э.Тоффлер, А.Тойнби, С.Хантингтон, Ю.Хаяши ва бошқалар ахборот жамияти шаклланишининг ижтимоий аспектларини, ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ижтимоий тузилмаси, иқтисодиётдаги ўзгаришларга, демократик институтларнинг ривожланишига таъсирларини илмий фалсафий жиҳатдан талқин этишган.

Ф.Атамурадова, О.У.Абдуазимов, М.В.Ёкубова, А.Т.Кенжабоев, О.В.Ланцева, А.Мухтаров, С.Отамурадов, Х.Ражабов, И.Саифназаров, Г.Туленова, М.А.Усмонова, Н.Шермухамедова, А.Эркаев, Н.Эсжанова, ва бошқаларнинг ишларида миллий тараққиёт ва маънавий юксалиш, жамият маънавий-ахлоқий муҳити, глобаллашув даврида давлатнинг ахборот сиёсати ва глобаллашув шароитида миллий маънавиятга таҳдидлар муайян даражада таҳлил этилган.

Ўзбекистон олимларидан Г.Жалалова, О.Кострина, Ф.Мадрахимова, Н.Назаров, Р.Норлиев, И.Ражабов, М.Каҳҳорова, Д.Ҳимматов, Г.Ғаффарова, Н.Эсонова<sup>1</sup> глобаллашув шароитида миллий мафкура, ахборотлашган жамиятда “оммавий маданият”нинг ривожланиши бўйича номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ахборотлашган жамиятнинг амал қилиш механизмларига оид ғарб олимлари монографиялари, шунингдек, Ўзбекистонда олиб борилган илмий тадқиқот ишларини таҳлили уларда ахборотлашган жамиятда миллий ахлоқий жиҳатлар алоҳида тадқиқот предмети бўлмаганлиги аниқланди. Шу боис, ушбу тадқиқот ишида асосий эътибор миллий-ахлоқий тарбиянинг устувор йўналишларини асослашга қаратилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

---

<sup>1</sup> Қайд этилган муаллифлар асарларининг номи ва чоп этилганлигига оид маълумотлар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган илмий тадқиқот ишлари режасининг “Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг фалсафий-тарихий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий ва бадиий қадриятларини таҳлил қилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маънавий-ахлоқий асослари” мавзuidaги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** миллий-ахлоқий қадриятлар ва техноген тафаккур мутаносиблигини таъминлаш учун ахборотлашган жамиятнинг талабларига мослашишнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини асослашга қаратилган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборот технологияларнинг инсон прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатидаги аҳамиятини асослаш;

ахборотлашган жамият ахлоқий парадигмасининг аҳамиятини исботлаш;

ахборотлашган жамиятда оммавий маданият ва аксилмаданиятнинг шахс дунёқарашида ижобий ва салбий таъсирини таҳлил қилиш;

миллий маънавиятнинг ахборотлашган жамият ахлоқи шаклланишидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** ахборотлашган жамиятнинг ривожланиши ва унинг ахлоққа таъсири жараёни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистонда ахборотлашган жамиятнинг миллий-ахлоқий жиҳатлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумлаштириш, тарихийлик, тизимлилик, анкета сўровнома, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

технологиялар жамиятнинг прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлганлиги, уларнинг инсоннинг ахлоқий тарбиясига таъсири натижасида технократик тафаккур шаклланганлиги таҳлиллар асосида очиб берилган;

ахборотлашган жамиятда “оммавий маданият” ва аксилмаданиятнинг миллий ахлоқий тарбиясига салбий таъсирдан ҳимоя қилишнинг прагматик механизмлари ишлаб чиқилган;

ахборотлашган жамият шаклланишида ахборот маданиятини узлуксиз ривожлантиришнинг ахлоқий функциялари (регулятив, аксиологик, билиш, коммуникатив) ва тамойиллари (жамоавийлик, инсонпаварлик, адолатпарварлик) инновацияларга ижобий муносабати (фаоллик, конструктивлик, эмоционаллик)ни шакллантириш асосланган;

ахборотлашган жамиятда инсон дунёқараши хавфсизлигини таъминлашнинг миллий ахлоқий меъёрларга амал қилиш, мақсадли фаолиятни ташкил этиш, ахборот, билим ва хурофотни фарқлаш сифатидаги аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ахборотлашган жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсир этиш механизмлари очиб берилган;

ахборотлашган жамиятда жамоавий ва индивидуалёндашувларнинг маънавий-ахлоқий қадриятлардаги умумлаштирувчи нисбати аниқланган;

“оммавий маданият”га қарши курашнинг асосий самарали усули – миллий-оммавий маданиятнинг меъёрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий конференция материаллари тўпламлари, махсус журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва респондентлар билан ўтказилган сўровнома, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборотлашган жамиятни ривожлантириш шароитида миллий-ахлоқий маданиятнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари ва концептуал ечимларининг комплекс тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан муаммога оид илмий тадқиқот ишлари, ижтимоий-фалсафий билим, ахборотлар тарқалишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ўз аксини топган назарий хулосалар, амалий тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ўзбекистонда ёшларга оид агентлик тизими фаолиятида, ёшлар билан уюштирилаётган мулоқот, давра суҳбатлари ҳамда ушбу йўналишдаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг миллий-ахлоқий жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

технологиялар жамиятнинг прагматик эҳтиёжларига жавоб сифатида пайдо бўлганлиги, уларнинг инсоннинг ахлоқий тарбиясига таъсири натижасида технократик тафаккур шаклланганлигига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти”, “Фуқаролик жамияти” “Ахборотлашган жамият” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 декабрдаги 89-03-4449-сон маълумотномаси). Натижа олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида жамиятнинг ахборотлашуви жараёнида инновацион ёндашувни шакллантиришга, ёшлар технократик тафаккури ва ахлоқий тарбиясини йўналтиришга хизмат қилган;

ахборотлашган жамиятда “оммавий маданият” ва аксилмаданиятнинг миллий ахлоқий тарбиясига салбий таъсиридан ҳимоя қилишнинг прагматик механизмлари аҳамияти борасидаги тавсия ва хулосалари “Ўзбекистонни жадал ривожлантириш шароитида ёшларнинг толерантлик дунёқарашини шакллантириш” мавзуидаги ПЗ-2017-0929280 рақамли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 июлидаги 89-03-2856-сон маълумотномаси). Натижада ахборотлашган жамиятда ёшлар креатив фикр

юритишини ва интеллектуал дунёқарашини шакллантиришга, аксил маданиятга қарши миллий оммавий маданиятни ривожлантиришга хизмат қилган;

ахборотлашган жамият шаклланишида ахборот маданиятини узлуксиз ривожлантиришнинг ахлоқий функциялари (регулятив, аксиологик, билиш, коммуникатив) ва тамойиллари (жамоавийлик, инсонпаварлик, адолатпарварлик) инновацияларга ижобий муносабати (фаоллик, конструктивлик, эмоционаллик)ни шакллантириш тўғрисидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Маданият ходимлари фаолиятини ташкил этиш” дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигини 2019 йил 3 апрелдаги 01-12-14-1585-сон маълумотномаси; Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши (ҳозирда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги) нинг 2019 йил 11 июлидаги 02-03/437-сон далолатномаси). Натижада ахборот маданиятининг ахлоқий функцияларини ўрганиш, ахборот маданиятини ривожлантириш, инновациялардоирасида маданиятлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

ахборотлашган жамиятда инсон дунёқараши хавфсизлигини таъминлашнинг миллий ахлоқий меъёрларга амал қилиш, мақсадли фаолиятни ташкил этиш, ахборот ва билимнинг аҳамиятига оид илмий хулосалардан Адолат СДПнинг 2019 йил Сайловолди концепцияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Адолат СДП 2019 йил 1 июлидаги 01-04/203/1-сон маълумотномаси). Натижа жамиятни модернизация қилишда фан ва таълим интеграцияси инновацион талаблар даражасига кўтарилишига, ижтимоий давлат ва фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини куришда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 44 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (7 таси республика, 5таси хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этади.



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг **“Ахборотлашган жамият концепциясининг назарий-методологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида “Ахборот” , “Билим” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқи, ахборотлашган жамиятга ўтишнинг назарий ва амалий жиҳатлари очиб берилган.

Муаллиф фикрича, ахборотларнинг тезлашуви ва такомиллашуви оқибатида инсон ва жамиятнинг ҳаёти ўзгарди, ижтимоий тараққиёт учун янгича объектив шарт-шароит яратилди. Ижтимоий ҳаёт ва унинг барча соҳаларида глобаллашув жараёни ҳам ахборотнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ ҳолда ўз йўналишида давом этмоқда. Жамиятда пайдо бўлаётган инсон учун хавфли вазиятларнинг олдини олиш, гуманистик, демократик тараққиёт йўлини танлаш ҳам ахборот оқимининг мазмуни ва йўналишига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Диссертацияда ахборотнинг пайдо бўлиши, турлари, тарихий типлари ва ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёни тадқиқ этилган. Платоннинг ғоялар дунёси, Ф.Гегелнинг мутлақ ғояси ва К.Поппернинг уч дунё таълимотларини қиёсий таҳлил этилган. К.Поппернинг “Уч дунё” назарияси ҳозирги замон жамиятида ахборотнинг ўрни ва ролини белгилашда муҳим фундаментал қарашлардир. Бу фалсафий қарашлар турли фан вакиллари томонидан янада ривожлантирилиб, ахборотнинг ичига тобора чуқурроқ кириб бормоқда, унинг моҳияти, функциялари, ўзига хосликлари тўғрисида янги долзарб ёндашувлар илгари сурилмоқда.

Диссертацияда, рус файласуфлари В.С.Меськов ва А.А. Мамченколарнинг концепция<sup>1</sup>лари қиёсий таҳлил этилган. Муаллифларнинг ҳозирги даврда инсоният тараққиёти ахборот билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги қарашлари янги методологик ёндашув сифатида тан олинган.

Муаллиф таъкидлашича, замонавий жамиятнинг дастлабки концепциялари ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШда пайдо бўлган. Америка социолог ва политологлари Д. Белл, З. Бжежинский, Э. Тоффлер, шунингдек, француз олимлари А. Турен, Ж. Фурастье ва бошқалар постиндустриал жамият назариясини ишлаб чиқдилар. Ахборотлашган жамият концепциясини шакллантиришда У. Дайзард, М.Кастельс, Ж. Мартин, Ж. Нэбитт, Д. Тапекот ва бошқалар муҳим ҳисса қўшдилар<sup>2</sup>. Диссертант фикрича, бу назарияларда жамиятнинг янги типини номлашда ҳам, унинг асосий белгиларини аниқлашда

<sup>1</sup> Меськов В. С., Мамченко А. А. Мир информации как тринитарная модель Универсума. Постнеклассическая методология когнитивной деятельности.// Вопросы философии. 2010. №5. С. 65.

<sup>2</sup> Инглиз тадқиқочиси Ф.Уэбстер “Ахборотлашган жамият назариялари” асарида бу ҳақдаги турли нуқтаи назарларни таҳлил қилади. (Қаранг: Ф. Уэбстер. Теории информационного общества. -М.: Аспект Пресс. 2004. - С. 42-90).

ҳам ягона фикрга келиш ўрнига, аксинча, тафовутли нуқтаи назарлар кўпайган<sup>1</sup>. Масалан, айрим олимлар “Постиндустриал ҷамият”, “Ахборотлашган ҷамият”, “Билим ҷамияти” атамаларини синоним сифатида қўлласалар, айримлар уларнинг фарқларини таъкидлайдилар. Ўзбек олимлари дастлабки даврларда кўпроқ “Ҷамиятнинг ахборотлашуви” тушунчасини қўлладилар<sup>2</sup>. Бу эса, муаллиф фикрича, “Ахборотлашган ҷамият”, “Билим ҷамияти” атамаларидан фарқ қилиб, ахборотлашган ҷамият қуришнинг илк шароитларини, дастлабки босқичларини қамраб олар эди. Зотан, ахборотлашувнинг кучайиши ва у даромад келтирувчи асосий секторга айлангандагина ахборотлашган ҷамият ҳақида гапириш мумкин. Бундан ташқари ахборотлашув жараёни мамлакат ахборот сектори ҳолатидан қатъи назар, дунёдаги барча мамлакатларни қамраб олган.

Диссертант ўз тадқиқотида “Ахборотлашган ҷамият” да билимнинг устувор йўналишларини асослаган. Чунки билимлар ахборот даражасига етганда кенг ва тез тарқалади, ижтимоий ҳаётнинг мос соҳасига татбиқ этилади. Кишилар мутлақ кўпчилик ҳолда субъектга мансуб бўлган ўзига хос билимларга эмас, унинг расмийлаштирилган, ўзгармас мазмун касб этган жиҳати – ахборотларга таянадилар. Бу ҷамиятда ахборот асосий бойликни яратади, аҳолининг кўп қисми бу соҳада банд бўлади; билимдан кўра ахборот устувордир. Ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳалари стандартлашади, ахборот узатиш юқори даражада тезлашади, технократлашув, сциентизм мустаҳкамланади, этик, диний, гуманитар фанлар омилларининг роли пасаяди, инфор­мацион ифлосланиш кучаяди ва ҳоказо. Ахборотлашган ҷамият ривожланиши оқибатида келажа­кда билим ҷамиятига ўтиш зару­рати туғилади.

Шундай қилиб, ахборотлашган ҷамият реал амалга ошаётган ҷамият бўлса, билим ҷамияти кела­жакнинг янги кўриниши сифатида намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Ахборотлашув ва янги типдаги ҷамиятнинг ахлоқий тамойиллари”** деб номланган иккинчи бобида ҷамиятни ахборотлашуви фуқаролик ҷамияти шаклланишининг устувор йўналишлари, ахборотлашган ҷамиятнинг асосий ахлоқий парадигмаси («Киши кишига дўст ва ҳамкор»): моҳияти, амал қилиш шароитлари, жамоавийлик ва индивидуал ахлоқий тамойиллари ўртасидаги ўзаро алоқа ва фарқларочиб берилган.

Ҳозирги замон фуқаролик ҷамияти ахборотлашган ҷамият асосида муваффақиятли ривожланиши мумкин. Чунки ҷамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган шахсдир. Ҷамият ахборотлашуви туфайли вужудга келган ижтимоий-ахборот муҳити шахсларнинг реал етакчи бўлиш имкониятларини оширади. Янги ахборот муҳити ижтимоий ижодкорликнинг янги кўламли­ри, ахборотга эришув эркинлиги, ўзини намоён қилишнинг турли имкониятларини кафолатлайди. Ахборотлашган ҷамиятнинг бу афзаллик­лари кенг доирадаги шахсларга, фуқаровий фаоллигини намоён қилишга, ташкилий институтларсиз ҳам етакчилик фази­латларини кўрсатишга имкон яратади.

<sup>1</sup> Қаранг: В.В. Кочетков, Л.Н. Кочеткова. К вопросу о генезисе постиндустриального общества. // Вопросы философии. 2010г., №2, с. 25.

<sup>2</sup>Масалан: Ёқубова М.В. Ҷамият тараққиётида ахборотлашув ва ахборот технологиялари масалалари. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т. 2006. 165-Б.

Диссертацияда, фуқаролик жамияти мулкый хилма-хилликка, фуқароларнинг иқтисодий эркинликка эгаллиги очиб берилган. Хусусий мулкка эга бўлган шахс тадбиркорлик фаолиятида ўзининг эркин ҳуқуқлари, улардан фойдаланиш имкониятлари, ўз манфаатлари ҳақидаги тасаввурларига таянади. Иқтисодий эркинлик фуқароларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш заруриятини вужудга келтиради. Бу эса, ахборотлашган жамиятнинг фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни, аввало, ахборотлашган шахс фаолиятида намоён бўлади. Эркин шахснинг маънавиятида ўз ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини англаб, ўзини жамиятнинг ажралмас унсури деб билиб, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссининг кучайиши ва ижтимоий фаол бўлиши орқали фуқаролик жамияти қарор топади.

Диссертант фикрича, давлат хизматларининг автоматлашуви, “электрон ҳокимият” ва “рақамли иқтисодиёт”нинг ривожланиши фуқаро давлат муносабатларининг демократлашувига қаратилган бўлиб, улар ёрдамида “тўғридан-тўғри демократия” янада кучаяди. Рақамли иқтисодиёт яширин иқтисодиётга барҳам бериш воситаси ҳисобланади. Электрон ҳокимият эса, фуқаролик жамияти ва давлатни боғлаб турувчи занжир вазифасини бажаради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Диссертант фикрича, ахборотлашган жамиятда “Жамоавий ҳамкорлик” тушунчаси пайдо бўлишига зарур шароит яратилади. “Жамоавий ҳамкорлик” муҳим демократик зарурият бўлиб, шахсларнинг умумий манфаат йўлида бирлашуви ва муаммолар ечимини ижтимоий шериклик асосида топиш воситасидир. Фуқаролик жамияти айнан шундай ижтимоий муносабатлар характерида асосланади.

Шундай қилиб, диссертацияда ахборотнинг тезлашуви, ахборотлашган жамиятнинг янги босқичга ўтиши ҳозирги даврда демократик йўлга кирган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришнинг шартига айланади.

Диссертант фикрича, иқтисодий муносабатларни ташкил қилиш тамойилларининг ўзгариши маънавиятга ҳам ижобий таъсир этади. Янги парадигмага кўра, рақобатбардош бозор иштирокчилари бир гуруҳининг фаровонлиги бошқалари фаровонлигининг шароитидир. Илгариги жамиятларда тубдан ўзгача парадигма ҳукмрон бўлиб келган. Унга асосан, ердаги ҳаёт шундай тузилганки, айримларнинг бахти (бойлиги) фақат бошқалар ҳисобига бўлади, кучлилар кучсизларни эксплуатация қилади. Кимнингдир бой бўлиши кимларнингдир камбағаллашуви ҳисобига амалга ошади. Иқтисод, эски дунёқарашга кўра, иш берувчи ишчига қанча кўп ҳақ тўласа, ўзига шунча кам қолади. Инсон инсон учун – талончи ва душман. Бундай иқтисодий тафаккур ўтган жамиятларда (ҳозирги ривожланмаган жамиятларда ҳам) ҳукмрон бўлиб келган. Бу ҳукмрон фикрга қарши диний шаклдаги ғояларда эътироз билдирилган. Муаллиф фикрича, Ғарб иқтисодиётининг XX аср 2-ярмидаги ривожланиши бутунлай янги парадигмага асос бўлди. Бунга кўра, бир гуруҳнинг иқтисодий фаровонлиги бошқа гуруҳларнинг иқтисодий фаровонлигига боғлиқ. Иқтисодий алоқага киришган қўшни мамлакатларда яхши яшашса мазкур

мамлакат учун ҳам яхшидир. “Инсон инсон учун – талончи ва душман” тамойили ўрнига “Инсон инсон учун – харидор ва дўст” тамойили жорий этилиши учун реал имконият вужудга келиши таъсир этди.

Диссертант фикрича, ҳозирги замон ривожланган жамиятининг ҳаракатлантирувчи кучи ўрта синфдир. Ўрта синфнинг ривожланиши қатор босқичларни босиб ўтиши билан боғлиқ. Дастлаб у қатлам сифатида шаклланиб, аста-секинлик билан ўрта синфга мансуб деб айташ мумкин бўлган бошқа қатламлар ҳам шаклланади ва синфга айланади. Ўрта синфга хос бўлган характер (инновацион тафаккур, демократияга интилиш, ошкоралик, қонун устуворлигини талаб қилиш ва ш.к.) муҳим аҳамиятга эга. Зотан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” деган тамойили асосида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар камбағалликни тугатиш ва бой халқ сонини купайтиришга йўналган.

Муаллиф ёзишича, янгиланаётган Ўзбекистоннинг қисқа даврида жамият иқтисодини шакллантириш уч босқичда намоён бўлади. Ҳозирги макроиқтисодий тараққиётнинг афзаллиги рақамли технологияларга асосланганлигидир. Бу жараёнда ҳукукий-сиёсий маданиятнинг юксалиши, таълим сифатининг яхшиланиши, инновацион тафаккурнинг шаклланиши, ишлаб чиқаришда янги технологиялар жорий қилиши, аҳоли касбий таркибининг ўзгаришини тақозо этмоқда.

Диссертацияда жамоавийлик ва индивидуалликнинг ўзаро фарқи ва алоқаси асосланган. Тадқиқотчи жамиятнинг ахборотлашуви инсон маънавий ривожига катта имкониятлар, объектив шароитлар яратса-да, умумий ҳаёт ва фаолият муҳити индивидуалликни кучайтиради, деган хулосага келди. Жамоавийлик шахс тақдири учун таъсирга эга бўлмаган, вақтинча, юзаки, ҳатто, баъзан зарарли туюлган тартибсиз эркинлик шароитида эгоистик кайфиятлар устун бўлади. Ахлоқсизликнинг асосий манбаи индивидуаллик эмас, мутлақлаштирилган эгоизмдир. Диссертацияда эгоизм аксилмаданият, аксилахлоқий жараёнларга кенг йўл очиши асосланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланиши шароитида оммавий маданиятнинг ривожланиши”** деб номланади. Унда ахборотлашган жамиятнинг ахлоқий жиҳатлари ва оммавий маданиятнинг моҳияти, оммавий маданият ва аксилмаданиятнинг ахлоқий муносабатларга таъсири, миллий маънавият - ахборотлашган жамият ахлоқи шаклланишида асосий мезонэканлиги таҳлил қилинган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистондаги ахборотлашган жамият кишиларнинг яшаш ва фаолият тарзида, уларнинг шахслараро муносабатларида, ахлоқидаги ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Дарқақиқат, уларнинг ижтимоий ҳаётда билим олишитўлик ахборот воситаларига боғлиқ. Шу сабабли шахслараро мулоқотда вақти кам, азалий ахлоқ-одоб нормалари (дўстлик, қариндошлик ва б.) юзакилик касб этмоқда. Бундай муносабатлар (ахборот воситалари, Интернет орқали мулоқотда бўлиш, турли ўйинлар ўйнаш, чексиз ахборотларни қабул қилиш) инсонни толиқтиради бош қотиришга ундамайдиган, осон тушуниладиган, дам олдирадиган маданият ва санъат маҳсуллари шахс руҳиятига мос келади. Шу

сабабли ахборот жамияти маданияти оммавий маданиятдир. Оммавий маданият ўз-ўзича тубан маданият эмас, аммо манфаатдор гуруҳлар ва шахслар мафкуравий курашда ундан моддий фойда кўрадилар. Натижада, кибертерроризм, кибербуллинг(интернет орқали кўрқитиш), босқинчилик, одам ўлдириш, гиёҳвандлик, порнография каби “хулқ-одоб намуналари” оммавий маданият ниқоби остида кириб келади ва ҳалокатли, ахлоқсиз ғояларга етакловчи мафкуравий воситага айланиб боради.

Диссертацияда “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ва тадқиқотчи томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар асосидаёш авлод дунёқарашидаги маънавий ўзгаришларни йўналишлари очиб берилган. Ёшлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ёшларнинг (60%), миллий урф-одатларга амал қилишни маъқул кўради. 32% ёшлар миллий урф-одатларни яхши билмаслигини, 58% ҳаётга енгил-елпи қараш кайфияти, Ғарб ахлоқи “оммавий маданият” орқали салбий таъсир кўрсатганлигини тан олган. Аксинча, оммавий маданият ва аксилмаданият таъсирида шаклланган, миллий ҳаётдан узоқлашган ёшлар асосан, поп-маданият, рок-маданият, мода ишқибозлари, ўз хоҳиш-истакларини, бевосита шахслараро муносабатларни устун деб биладиган ёшлардир. Улар жамоавийликдан кўра, эркин индивидуаллик, миллий урф-одат нормаларидан холи бўлиш тарафдоридирлар.<sup>1</sup> Умуман олганда, аксарият ёшларнинг миллий маданиятга муносабати ижобий, миллий ҳаётдаги иштироклари кучайиб бораётганлигини кўрсатади.<sup>2</sup>

Муаллиф аксилмаданият (“оммавий маданият”)нинг салбий таъсирларини бартараф этиш учун таълим-тарбияни узлуксиз такомиллаштириб бориш зарур деб ҳисоблайди. Бунда, ижтимоий-гуманитар билим шахс дунёқарашининг шаклланиши асосига қўйилиши кишиларнинг ҳаётий позицияларини, танқидий ижодий фикрлашга лаёқатларини мустаҳкамлайди, ахлоқий янгиланишларга онгли муносабатда бўлиш “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан сақланишга хизмат қилади.

Диссертацияда миллий маънавият ахборотлашган жамият ахлоқининг асосий мезонларидан бири сифатида таҳлил қилинган. “Оммавий маданият”га қарши курашнинг асосий усули миллий, истиқболли, инсонпарвар ғояларни тарғиб қилувчи миллий оммавий маданиятни яратиш эканлиги асосланган. Бу маданият ёш авлоднинг эстетик эҳтиёжларини қондириши, миллий иммунитетни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, юксак миллий ғурурни шакллантиришда намоён бўлиши лозим.

Зеро, ахборотлашган жамиятнинг миллий жиҳатини ташкил қилувчи миллий маданият қатор хусусиятлар касб этади. У глобаллашув ва ахборотлашув шароитида кенг майдонда эркин ривожланади. Ўзаро миллий-маданий алоқалар интенсивлашади. Бундай шароитда миллий биқиклик, миллий қолоқлик

---

<sup>1</sup> Каримова Г. А. Ўзбекистонда ахборотлашган жамият куришнинг миллий-ахлоқий тамойиллари. – Т.: – Фан ва технология. – 2013, 192 б. Муаллифнинг ушбу монографиясида сўровнома натижалари батафсил таҳлил қилинган.

<sup>2</sup> “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази сайти <http://ijtimoiy-fikr.uz/> ва “Жаҳон” Ахборот агентлиги сайти <http://jahonnews.uz/ru/>

бартаф этилади. Миллий маданият Ватан тимсолига айланади, янги мазмун касб этади. Космополитизм ва миллийлик икки турдаги ижтимоий ҳодисаларнинг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Диссертант ахборотлашган жамият ўзига хос маданиятни, ижтимоий-маданий жараёнларни, улар ўртасидаги муносабатлар янгича талқинни тақозо қилади, деб таърифлайди. Бу аксилмаданият намуналарига, уларнинг салбий ахлоқий оқибатларига қарши миллий маданиятнинг ҳимоя қилувчи вазифасини бажаради. Глобаллашув, унинг таъсирида кенг тарқалаётган космополитизм ғояси миллий маданиятларга қарши қаратилган эмас, у инсониятнинг биологик тур сифатида ягона эканлигини англатади.

Демак, космополитизм ва миллийлик ўртасидаги боғлиқлик умумийлик ва хусусийлик ўртасидаги муносабат уйғунлигини тақозо этади. Миллий-ахлоқий ривожланиш ҳаётининг ранг-барангликни ифодалайди, миллатларнинг бир-бирига қизиқишларини кучайтиради, жамият тараққиётига мос миллий-ахлоқий ривожланиш амалга ошади. Бундай миллий тараққиёт эса умуминсоний ахлоқий нормаларнинг шаклланишига қулай замин яратади, инсоният ахлоқи моҳиятининг бирлигини англатади.

## ХУЛОСА

“Ўзбекистонда ахборотлашган жамият шаклланишининг миллий-ахлоқий жиҳатлари” мавзuida олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосага келинди:

1. Ахборотлашув ҳозирги замон жамияти тараққиётининг ўзига хос усулларида биридир. Ахборотнинг янги сифат ва хусусиятлари, нисбий мустақил дунё сифатида ривожланиши жамият қиёфасини, ривожланиш хусусиятларини ўзгартиради, уни ахборотлашган жамият сифатида моҳиятини чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

2. Ҳозирги замон жамиятида ахборотлашув ижтимоий ҳаёт ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг фаолияти янги ахборот муҳити шароитида ўзгармоқда, давлат ва алоҳида шахслар билан алоқалари интенсивлашмоқда. Ахборотлашув ҳозирги даврда фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шартига айланди.

3. Жамиятда миқдор жиҳатдан мутлақ кўпчиликни ташкил қилиш, янги илмий-техник, технологик ғояларни ижод қилиш ва ҳаётга жорий этиш ўрта синфнинг асосий хусусиятидир. Бинобарин, жамиятнинг ахлоқий ҳолати ҳам ўрта синфнинг маънавиятига, ахлоқий қарашларига боғлиқ. Ўрта синф вакилларининг дунёқараши, маънавий-ахлоқий тарбияси у ёки бу ахлоқий нормаларнинг, тартиб-қоидаларнинг кенг тарқалишини, устувор мавқе эгаллаши муҳим аҳамиятга эгадир.

4. Ахборотлашган жамият қарор топиши шароитида оммавий маданиятга алоҳида эътибор қаратилиши, унинг аҳоли маънавий тараққиётига хизмат қиладиган йўналишларда ривожлантиришга тўртки бўлади.

5. Янги жамиятда миллий-ахлоқий таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлашни тақозо қилади. Бунда халқимиз ўз тарихида яратган гуманитар дунёқараш, буюк боболаримизнинг ҳаёт фалсафаси алоҳида ўрин тутиши мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.12.2019. F.01.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**КАРИМОВА ГУЛЬЗИРАХОН АХМАДБЕК КИЗИ**

**НАЦИОНАЛЬНО-ПРАВСТВЕННЫЕ АСПЕКТЫ  
ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННОГО ОБЩЕСТВА В  
УЗБЕКИСТАНЕ**

**09.00.04. – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD)**



**Ташкент - 2020**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2.PhD/Fal214**

Диссертация выполнена при Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации опубликован на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме) на сайте Научного совета [www.ik-falsafa@nuu.uz](http://www.ik-falsafa@nuu.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Саифназаров Исмоил Саифназарович**  
доктор философских наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Норкулов Дустмурод Тошпулатович**  
доктор политических наук, профессор

**Назаров Насриддин Атакулович**  
доктор философских наук (DSc)

**Ведущая организация:** Ташкентский университет информационных технологий

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней №DSc.30.12.2019.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Здание факультета общественных наук Национального университета Узбекистана, 1-этаж)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном Центре Национального университета Узбекистана (регистрационный номер № \_\_\_\_). Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Административное здание НУУз, 2-этаж, кабинет 4. Тел: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(Протокол реестра рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Н.А.Шермухамедова,**  
И.о. председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

**У.А. Махкамов,**  
Секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н.,

**Г.Т.Махмудова,**  
Председатель научного семинара  
при ученом совете по  
присуждению ученых степеней,  
д.ф.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ

**Актуальность и востребованность темы.** По мере углубления процесса глобализации в мире повышается потребность людей в получении и принятии информации. На всемирных саммитах<sup>1</sup> были определены перспективы информированного общества и создана международная группа наблюдателей. Обсуждалась роль сил, которые развивают информированное общество на основе достижений десятилетия - государства, бизнеса, гражданского общества и других организаций.<sup>2</sup> В результате от мирового сообщества требуется культивировать высокий моральный дух против кибератак.

В исследовательских центрах развитых стран проводятся широкомасштабные исследования по внедрению программ ЮНЕСКО «Информация для всех»<sup>3</sup>, «Образование для всех»<sup>4</sup>, «Культура мира»<sup>5</sup>, стратегии развития информационного общества, метода получения знаний и ее влияния на нравственное воспитание. Интерес к этой теме требует, прежде всего, формирования навыков отбора и использования информации и данных, распространяемых в СМИ, Интернете. Особое место в нем занимает влияние различных слоев населения, особенно молодежи.

В Узбекистане проводятся научные исследования с целью определения социальной защиты населения, текущей роли реформ информационных систем в повышении осведомленности, определения приоритетов для внедрения инновационных технологий. «Все медицинские учреждения, школы и дошкольные учреждения, а также села и махалли будут обеспечены высокоскоростным доступом в Интернет и улучшенным качеством услуг связи. обеспечение доступа в регионы»<sup>6</sup> признана одной из актуальных задач сегодня.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени будет способствовать достижению целей и выполнению задач, изложенных в законах Республики Узбекистан «Об информатизации» 560-II от 11 декабря 2003 года, «О государственной молодежной политике», Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5953 от 2 марта 2020 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики», № ПП-5099 от 30 июня 2017 года «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в Республике», № ПП-4699 от 28 апреля 2020 года «О мерах по

---

<sup>1</sup><http://window.edu.ru/catalog/pdf2txt/596/50596/24721>

<sup>2</sup>[https://www.un.org/ru/events/pastevents/pdf/agenda\\_wsis.pdf](https://www.un.org/ru/events/pastevents/pdf/agenda_wsis.pdf)

<sup>3</sup> Программы ЮНЕСКО «Информация для всех» / <http://www.unesco.org/webworld/ifap>; [www.ifar.ru](http://www.ifar.ru)

<sup>4</sup> «Образование для всех», «Образование-30» <https://ru.unesco.org/themes/vedushchaya-rol-yunesko-v-realizacii-globalnoy-povestki-dnya-obrazovanie-2030>

<sup>5</sup> «Культура мира» [https://www.belau.info/programms/kultura\\_mira/](https://www.belau.info/programms/kultura_mira/)

<sup>6</sup> 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли Қарори (Кўчирма).

широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления наук и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики», а также Ф 1. «Развитие общества, теория государства и права, конкурентоспособность экономики».

**Степень изученности проблемы.** Информированное общество начало формироваться на Западе в последние годы двадцатого века в результате непрерывной эволюции индустриального общества. Тогда же появились научные исследования в этой области, описана методология анализа социально-экономического воздействия информационных технологий. Ученые стран СНГ И.А.Андреева, А.Б.Антопольский, Т.П.Воронина, Б.М.Герасимов, Е.И.Иванова, В.Н.Костюк и зарубежные ученые Д.Белл, Й.Масуда, Э.Тоффлер, А.Тойнби, С.Хантингтон, Ю.Хаяши и другие раскрыли социальные аспекты формирования информационного общества, его влияние на изменения в экономике, развитие демократических институтов.

Ф.Атамурадова, О.У. Абдуазимов, М.В. Якубова, А.Т. Кенджабоев, О.В.Ланцева, А.Мухтаров, С.Отамуродов, Х.Раджабов, И.Сайфназаров, Г.Туленова, М.В. В работах А.Усмановой, Н.Шермухамедовой, А.Еркаева, Н.Эсянова и других дан определенный анализ национального развития и духовного роста, духовно-нравственной среды общества, информационной политики государства в эпоху глобализации и угроз национальной духовности в условиях глобализации.

Ученые Г.Джалалова, О.Кострина, Ф.Мадрахимова, Н.Назаров, Р.Норлиев, И.Раджабов, М.Каххорова, Д.Химматов, Г.Гаффарова, защитили кандидатскую и докторскую диссертации о развитии национальной идеологии, «массовой культуры» в информированном обществе в условиях глобализации.

Монографии западных ученых о механизмах функционирования информационного общества, а также анализ научных исследований, проведенных в Узбекистане, выявили, что национальные этические аспекты в информационном обществе не являются предметом отдельного исследования. Поэтому основная цель данной исследовательской работы - обоснование приоритетов национально-этического воспитания.

**Связь исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного экономического университета «Духовно-нравственные основы анализа философско-исторических, правовых, религиозных, нравственных и художественных ценностей проводимых в стране социально-экономических реформ и формирования гражданского общества».

**Цель исследования** – научно обосновать сущность системного подхода к национальным этическим факторам формирования информированного общества.

**Задачи исследования:**

